



БИЗНЕС ФАОЛИЯТИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Абдуллаев Мунис Курбонович

*ТДИУ Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари кафедраси
мудури, PhD, доцент. Тошкент, Ўзбекистон. m.abdullayev@tsue.uz
<https://orcid.org/0000-0003-0290-8453>*

Мамаева Диёра Курбанбаевна

*Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби магистранти. Тошкент,
Ўзбекистон. d.mamayeva@uzedu.uz
<https://orcid.org/0009-0006-4681-6808>
DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss4/a37*

Аннотация

Ушбу мақолада рақамли технологияларни бизнес жараёнларига жорий этиш орқали анъанавий жараёнлар ва иловалар мижозлар ҳамда стратегик мақсадлар ҳисобига самарадорликни ошириш мумкинлиги таҳлил қилинган. Шунингдек, янги бизнес моделига интилиш ёки аста-секин мувозанатли ёндашувга эришиш бўйича рақобат устунлиги (рақамлаштиришга мурасасиз ёндашув), жараёнларни рақамлаштириш, ходимлар учун имкониятлар ва ишлаш бошқаруви каби омилларни инobatга олиб бизнес фаолиятини рақамли трансформация қилиш таҳлили амалга оширилган. Интернет ва IT-индустриясининг ривожланиши билан компаниялар мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва операцияларни оптималлаштириш учун янги воситаларни қўллаш кераклиги асосланган.

Калит сўзлар: бизнес фаолияти, рақамли технологиялар, бизнес жараёнлар, кичик бизнес, бизнесни рақамлаштириш.

Кириш

Жаҳондаги ҳозирги глобаллашув жараёнида иқтисодий муносабатларнинг кескин ривожланиши барча соҳаларда рақамли технологиялар ютуқларини тезликда жорий қилиш талабини қўймоқда. Мамлакатларнинг дунё бозори рақобатида омон қолиши ёки ўз ўрнини топиши учун ҳам инновацион рақамли технологияларга бўлган талаб ошиб бормоқда. Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамлаштириш, жумладан бизнес фаолиятини рақамли трансформация қилиш, рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш орқали улар фаолиятини такомиллаштириш масалалари ҳам рақамли иқтисодиётнинг асосий мақсадлари қаторига кириши билан аҳамиятлидир.

Рақамли технологияларни бизнес жараёнларига жорий этиш охириги 10-15 йил ичида кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Интернет ва IT-индустриясининг ривожланиши билан компаниялар мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва операцияларни оптималлаштириш учун янги воситаларни изламоқда.

Пандемия ахборот ва бошқарув амалиётларини рақамлаштириш томон кескин силжишни рағбатлантирди. «Ақлли» қурилмалар, маълумотларни автоматик қайта ишлаш дастурлари, аудитория билан интерактив алоқа ва бизнес учун бошқа IT ечимларнинг афзалликлари яққол кўзга ташланди. Шу босидан ҳам бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган рақамли иқтисодиёт шароитида бизнес фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун рақамли технологиялардан фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда ҳар бир соҳа ўз фаолиятини рақамли технологияларсиз фаол ривожлантира олмайди. Айниқса, биз фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар рақамли технологияларсиз маҳсулотларни ишлаб чиқариш, миқдорлар билан ўзаро алоқани таъминлаш, етказиб бериш хизматларини амалга ошириш ва бошқа жараёнларни тезкор равишда йўлга қўя олмайди. Мазкур жараёнларни самарали ташкил этиш мақсадида таҳлиллар олиб бориш, фаолиятни ўрганиш ва керакли ечимларни таклиф этиш учун албатта илмий тадқиқотлар ўтказиш лозим. Шу жиҳатдан ҳам бугунги кунга қадар мазкур йўналишларда қатор илмий изланишлар олиб борилган ва бугунги кунда ҳам давом этиб келмоқда.

Масалан, Д.Махмудова томонидан олиб борилган тадқиқотлар рақамли иқтисодиётда кичик бизнес истиқболларини тадқиқ этишга бағишланган бўлиб, рақамли иқтисодиётнинг даражаси ва унда кичик бизнеснинг ўрни ҳамда рақамли иқтисодиётни шакллантиришда кичик бизнес бошқарувининг истиқболлари очиб берилган. Шунингдек, маҳаллий ва хориж олимларининг тадқиқот ишларини ўрганилиб, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши билан, келажак истиқболдаги янги талаб юқори бўладиган касбларнинг айрим турлари шаклланиши асослаб берилган. Жаҳондаги бир қанча тадқиқот компаниялари ҳисоботлари асосида рақамли иқтисодиётда инновацион технологияларининг ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсиринг истиқболдаги прогнозлари таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан Кондратьев тўлқинининг истиқболдаги босқичлари таҳлили амалга оширилган [1].

Яна бир тадқиқотда рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнес бошқарувини шакллантириш масалалари илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилган бўлиб, бу борада хориж олимлари тадқиқотлари ўрганилган. Шунингдек, бизнес бошқарувини такомиллаштиришда рақамли иқтисодиётнинг таъсири, роли, ривожланиш босқичлари ва афзалликлари хусусида тўхталиб ўтилган. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ҳолати атрофлича очиб берилган. Ривожланиш босқичлари бўйича рақамли иқтисодиёт категориясига олимларнинг қарашлари назарий таҳлил қилинган. Илмий ва амалий аҳамиятга эга хулосалар қилинган [2].

Шунингдек, Н.Тўраева томонидан олиб борилган тадқиқотларда мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнесни ривожлантириш тамойиллари ҳамда усуллари ўрганилган. Бунда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида иқтисодиётни рақамлаштириш муҳим аҳамият касб этиши ёритилган, шунингдек, кичик бизнес субъектларининг рақамли технологиялардан фойдаланишни ривожлантириш юзасидан илмий-назарий қарашлар, кичик бизнес субъектларининг рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳамда уларнинг таҳлили юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган [3].

Ж.Эргашев томонидан олиб борилган тадқиқотларда кичик бизнес корхоналари фаолиятида рақамли технологиялар қўллаш, соҳага тўртинчи sanoat инқилоби ютуқларини кенг қўллаш, “Кичик бизнес-4.0” рақамли платформалар бўйича маълумотлар келтирилган ва улардан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган [4].

Таҳлил ва натижалар

Аввалоо, бизнесни рақамлаштириш нима эканлигига тўхталамиз.

Рақамлаштириш - бу мавжуд моделга IT-технологияларни жорий этиш, жараёнларни оптималлаштириш ва ривожланиш соҳаларини кенгайтиришдир. Ҳар қандай компания қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратади:

ўз ишида рақамлаштирилган маълумотлардан фойдаланади;

ахборот алмашиш ва сақлаш учун мослаштирилган маҳаллий ёки булутли тузилмага эга;

замонавий IT ечимлари ва ускуналарини жорий қилади;

ишни автоматлаштириш учун дастурий таъминотдан фойдаланади;

IT мутахассисларининг аутсорсинг хизматларидан фойдаланади.

Бизнесдаги ўзгаришларнинг кейинги босқичи рақамли трансформациядир. IT ривожланиши келажакдаги технологиялардан фойдаланган ҳолда ички тузилмани тўлиқ ўзгартиришдан иборат, жумладан, машинани ўрганиш, виртуал ва кенгайтирилган ҳақиқат, сунъий интеллект, виртуал ёрдамчилар, нутқ хизматлари ва бошқалар. Бу бизнес фаолияти ва мижозлар билан мулоқот тамойилларини бутунлай ўзгартиради.

Янги усулларни амалга ошириш учун йирик корпорациялар ихтисослашган ходимларни, яъни трансформация бўлими бошлиғидан бошлаб маълумотлар таҳлилчисигача бўлган ходимларни ёллашади. Кичик ва ўрта бизнес эса тайёр ечимларга эга қурилмалардан фойдаланиши мумкин.


Тадқиқотимиздан келиб чиқиб, бугунги кунда нима учун бизнес фаолияти рақамли трансформацияга муҳтож деган саволга жавоб берамиз. Бизнес учун ахборот хизматлари сизга янги иш форматларига тезда мослашиш, аудиториянгизни ва бозорда ўз ўрнини сақлаб қолиш имконини беради. Ушбу ёндашув компанияга тез тараққиёт ва ўзгарувчан ташқи шароитларда барқарорлик ва мослашувчанликни беради.

Пандемия даврида кўплаб бизнес компаниялари ёндашувини бутунлай ўзгартириши керак эди. Барча ишлар тезда онлайн режимга ўтказилди - бу нафақат янги бизнес моделларни жорий этишни, балки мижозлар билан ўзаро муносабатда бўлиш, материални тақдим этиш ва ички муаммоларни ҳал қилишда мутлақо бошқача ёндашувларни талаб қилди.

Бугунги кунда трансформация компанияларда тўб ўзгаришларга, ички ишбилармонлик маданиятини ва мижозлар билан мулоқот қилиш ёндашувларини тўлиқ қайта конфигурацияга олиб келади. Ишга АКТ воситаларининг кенг жорий этилиши ходимларнинг меҳнат унумдорлиги ва ташаббускорлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Рақамлаштириш бизнесда ҳам, кундалик ҳаётда ҳам мустаҳкам ўрин олган. Технологиянинг ривожланиш суръати шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда барча соҳалар ўзгармоқда ва ақлли қурилмалар кундалик ҳаётнинг бир қисмига айланишга ҳам улгурди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, кичик ва ўрта бизнес жаҳон иқтисодиётининг асосий иштирокчиларидан бири ҳисобланади. Унинг Хитой ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ялпи ички маҳсулотига қўшган ҳиссаси айниқса катта, яъни 60 %гача (1-расм).



1-расм. Кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотга қўшган ҳиссаси¹

Бундан кўриниб турибдики, бизнес фаолиятида рақамли трансформациядан барча манфаатдор томонлар учун фойда олишни бошлаш вақти келди. Кўпчилик, масалан, мобил платформага ўтишни трансформация деб ҳисоблайди, бу ўтиш мижозлар, ходимлар ёки бизнес ҳамкорларнинг ҳақиқий манфаатларига қандай таъсир қилишига эътибор бермайди. Аммо, биз қисқа муддатга мўлжалланган ички самарадорликнинг кескин ошишини кўришимиз мумкин. Бу рақамлаштиришнинг биринчи қадамлари, биз бунга мувозанатли ёндашадиган ҳеч кимни кўрмаслишимиз мумкин. Ҳа, аксарият бизнес фаолияти вакиллари самарадорлик ва сотишни яхшилашга муваффақ бўлмоқда, бироқ кам сонлилар рақамлаштиришнинг афзалликларига ижодий ва мувозанатли тарзда яқинлашмоқда. Шу боис ҳам бизнес фаолияти вакиллари ўз тезлигини ошириш учун учта катта қадам қўйиши муҳимдир (2-расм).



2-расм. Рақамли ҳаракатларни қўллаш учун мақбул нуқталар

Аксарият бизнес фаолияти вакиллари рентабелликни ошириш ва шу билан менежментнинг “орқа қисмини қоплаш” учун минимал ҳаракат билан эришиш мумкин

бўлган рақамли афзалликларга эътибор қаратади. Рақамлаштириш ишлаётгани ҳаммага аён бўлди, демак, уни бизнес ва ITнинг ўзагига қўйиш вақти келди.

Анъанавий жараёнлар ва иловалар мижозлар ва стратегик мақсадлар ҳисобига самарадорликни оширади. Аксарият бизнес фаолияти вакиллари тактик ёндашувни қўллашади, яъни “Мен ғалаба қозонаман, сиз ютқазасиз”. Ҳаммага қандайдир фойда келтириш вақти келди. Ишонмасангиз, севимли хизмат кўрсатувчи компаниянгизга қўнғироқ қилинг ва онлайн тўловдан ташқари ҳар қандай саволни сўранг, бу уларга ходимлар харажатларини тежайди. Уларнинг веб-сайтига ўтинг ва у истеъмолчининг ҳақиқий эҳтиёжлари учун мутлақо оптималлаштирилмаганлигини кўрасиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бизнес жавоб бериши керак бўлган асосий савол мавжуд. Бу “Биз янги бизнес моделига интиляпмизми ёки аста-секин мувозанатли ёндашувга эришмоқчимизми?”. Ушбу саволга жавоб бериш учун алоҳида тўхталамиз.

Рақобат устунлигига эришиш (рақамлаштиришга мурасасиз ёндашув). Бу компаниянинг кадриятлари, мақсадлари ва ваколатларида сезиларли ўзгаришларга олиб келадиган “Ойга учиб” версиясидир ва бу жараёнда ўзгаришлар кундалик нормага айланади. Бу янги бизнес моделларини чуқур таҳлил қилишни ёки мавжуд бизнес моделларини қўллаб-қувватлашдаги тўб ўзгаришларни ўз ичига олади. Асосий эътибор мижозлар, ҳамкорлар ва компания ходимлари учун қийматга қаратилади ва ташкилот учун қиймат аста-секин ўсиб боради.

Саъй-ҳаракатлар, шунингдек, одамлар, жараёнлар ва машиналарнинг мақсадлари ёки хатти-ҳаракатларини ўзгартирадиган келажакдаги сценарийларни олдиндан кўришга қаратилган. Буни кам одам бошлайди, лекин кўпчилик охири-оқибат бу жараёнга келади.

Аввал мувозанатлаш (рақамлаштиришга мувозанатли ёндашув). Бу янада босқичма-босқич, аммо оддийроқ эмас, бунда мижозлар қиймати ва рақамли имкониятлар жараёнларга киритилган. Барча манфаатдор томонларнинг манфаатлари ҳисобга олинади, ҳамма билан ўзаро алоқа оптималлаштирилади. Ташкилотнинг ички модели шундай ўзгарадики, истеъмолчи манфаатлари ва ташкилот мақсадлари ўртасида мувозанатга эришилади. Бу менталитетнинг сезиларли ўзгаришини англатади, бу эса ўз навбатида унга тақлид қилишдан кўра ҳақиқий рақамли трансформацияга йўл очади. Ушбу ёндашув билан «рақамлар» асосида бизнесни ўзгартириш орқали рақобатбардош ва стратегик устунликка эришиш учун кетма-кет қадамлар режаси олдиндан тузилади. Бу оддий ёки чала иш эмас, балки режалаштирилган ёндашув бўлиши керак.

Биз оптималлаштиришда давом этамиз. Бугунги кунда бухгалтерлар, IT директорлари ва ҳуқуқшунослар томонидан бошқариладиган ташкилотлар ҳеч нарсани ўзгартирмасликка, балки пулни тежаш ва ички жараёнларни оптималлаштириш орқали рақобатчилардан устун туришга ҳаракат қилишади.

Гап шундаки, товарлар ва хизматларнинг босқичма-босқич яхшиланиши узоқ муддатли омон қолиш ва яхшироқ нарсага эволюцияни таъминлайди. Рақамлаштириш бу ерда ҳужжатлар учун ишлатилади. Асосий эътибор ички операцияларга қаратилади, бу эса ташкилотни янги бизнес моделлари билан рақобатчилар олдида заиф қолдиради.

Бунинг ечими сифатида бизнеснинг ички ёки операцион жараёнларини ўзгартириш жуда муҳимдир. Яъни:

Жараёнларни рақамлаштириш: Энди корхоналар кўпроқ стратегик вазифаларга эътибор қаратиш учун автоматлаштиришдан ташқарига ўтмоқда. Кўпгина янги технологиялар ушбу афзаллик ва самарадорлик тенденциясини ўз ичига олади, чунки рақамлаштириш кўпинча ҳар икки йўналишда ҳам жисмоний объектларни этказиб беришга бўлган эҳтиёжни камайтиради ва шу билан маҳсулотни ишлаб чиқишнинг ҳаёт айланишини қисқартиради.

Ходимлар учун имкониятлар: замонавий алоқа воситаларидан, электрон почтадан, видеоконференцалоқа ва бошқалардан тобора фаол фойдаланиш. компания ходимларига мижозлар билан илгари ҳеч қачон учрашмаган вазиятларда ва жойларда боғланиш имконини беради. Рақамли трансформация бир томонлама маркетинг коммуникацияларини кенг кўламли алоқа имкониятлари билан алмаштиради.

Ишлаш бошқаруви: Рақамли транзакция тизими раҳбарларга жойлар, мижозлар ва маҳсулотлар ҳақида кўпроқ маълумот беради ва шу билан тахминларга эмас, балки далилларга асосланган қарорлар қабул қилишга имкон беради. Эндиликда менежерлар турли жойларда вазиятни солиштиришлари ва ишлаб чиқариш имкониятларини тезда бошқаришлари мумкин.

Хулоса

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш керакки, бугунги рақамли технологиялар иқтисодиётнинг турли тармоқларига шиддат билан жорий этилаётганлигини инобатга олиб ҳеч бир компания бизнесда рақамли технологияларни жорий этишда тўхтаб қолиши мумкин эмас. Бу тўғри мақсадни танлаш ва оқилона қадамлар қўйиш билан боғлиқ. Рақамли трансформация стратегия сифатида ташқи кўриниш ва тезкорликни англатади. Рақамли бизнес платформаларини тез рақамли қабул қилиш ва компаниянинг ички ва ташқи мақсадлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш учун идеал воситадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Махмудова Д. Рақамли иқтисодиётда кичик бизнес истиқболлари // Science and Innovation International Scientific Journal Volume 1 ISSUE 6 UIF-2022: 8.2 | ISSN: 2181-3337. 516-523 бетлар.

2. Махмудова Д. Рақамли иқтисодиётни шакллантириш асосида кичик бизнеснинг бошқарув тизимини такомиллаштириш // Science and Innovation International Scientific Journal Volume 1 ISSUE 6 UIF-2022: 8.2 | ISSN: 2181-3337. 440-448 бетлар.

3. Тўраева Н. (2023). Кичик бизнес субъектларининг рақамли технологиялардан фойдаланиш усулларини ривожлантириш. Economics and Innovative Technologies, 11(1), 379–387. https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a40

4. Эргашев Ж.Ж. (2022). Кичик бизнес корхоналари фаолиятида рақамли технологияларни ривожлантириш. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1919>